Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 48 (7. 137) ◎ 1990 йил 27 февраль, сешанба ◎ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ҚАТЪИЯТ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида айтилганидек, «Биз аввало, социалистик принципларга мувофиқ келмайдиган авторитар-бюрократик системадан воз кечамиз. Бизнинг олий мақсадимиз — инсоний, демократик социализмдир».

Партия ўзининг съездига ана шундай ниятлар билан бормоқда. Шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми турмушимизнинг барча масалаларини ҳар томонлама, очиқ муҳокама қилиш учун имконият туғдирди. Лекин фикрлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, бу Пленум қайта қуришнинг, КПССни янгилашнинг, уни демократиялашнинг, ошкораликни кенгайтиришнинг ҳал қилувчи йўналишларида, сиёсий раҳбарликнинг замонавий усулларини эгаллаб олишда партиянинг қатъиятини яна бир бор намойиш этди.

Бугундан эътиборан биз «КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш» рубрикаси остида шаҳримиздаги район партия комитетларининг котибларига, бошланғич партия ташкилотларининг етакчиларига, коммунистларга сўз бериб борамиз. Биринчи суҳбатдошимиз Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи котиби А. Қ. НУЪМОНОВдир.

— Абдулла Қурбонович, суҳбатимизни айни кунларда қизғин муҳокама қилинаётган КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасидан бошласак. Ана шу дастур лойиҳаси билан таниша туриб, хаёлингизда нималар кечди?

— Менимча, унда партиямизнинг ҳозирги мураккаб ва масъулиятли шароитлардаги бош йўналишлари, энг муҳим принциплари аниқ ва лўнда кўрсатиб берилган. КПСС ҳар қандай шароитда ҳам ўзини англаб олади, ўз обрўсини тиклай олади ва жамиятимизда етакчи куч бўлиб қолади.

Умуман, КПССнинг ҳозирги сиёсатига ижобий баҳо бераман ва қўшиламан. Жамиятимиздаги қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш ҳар бир коммунистдан янада фаолликни, чуқур масъулиятни талаб этади.

— Менимча, бу борада кўпроқ бошланғич партия ташкилотларига мустақиллик бериш керакка ўхшайди....

— Жуда тўғри. Бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ мустақиллик бериш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш борасидаги масалаларни биринчи даражадаги вазифалар қаторига олиб чиқиш зарур. Зеро, Ҳаракат дастури лойиҳасида, айтилганидек, **«Партиявий омма бевосита роликнинг оширилиши партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар ҳуқуқларини кенгайтиришни тақозо қилади. Улар жорий пайтдаги вазифаларни ва конкрет шароитларни ҳисобга олиб, ўз структураси, фаолият программаси ва шакллари, йиғилишларни, сиёсий тадбирларни ўтказиш даврийлиги ва тартибга онд масалаларни ўзлари масъулият билан ҳал этиш, уларга юқори партия органлари, конференциялар ва съездларнинг нишга ва қарорларига реал таъсир кўрсатиш имконини берадиган қоидалар ва тартиблар асосида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлишлари керак».**

Ҳозирги кунда бизнинг районимизда бошланғич партия ташкилотларининг сони 312 тага етди. Уларга жами 15024 нафар коммунист бирлашган. Ўтган йилларга нисбатан коммунистларимиз сафи ёш, иқтидорли ва эътиқодли кишилар ҳисобига қисман ошди, таркибий жиҳатдан эса зиёлилар ва инженер-техник ходимлар сонининг бирмунча ошганининг ҳам гувоҳи бўлдик.

— Афсуски, илгарилари партияга фақат амал пиллапояларига кўтарилиш учун кирувчилар ҳам кўп бўлган...

— Тўғри, шундай ҳам бўлган... Лекин, партия бир тирик организм сингари ўз-ўзини поклаб бормоқда. Партия сафларига тасодифан кириб қолган мансабпараст, порахўр, маънавий бузуқ, нияти холис бўлмаган коммунистлардан ҳоли бўлиб боряпти. Мана, масалан ўтган йилнинг ўзида районимизда 45 коммунист партия сафидан чиқарилди. Шулардан 22 киши КПСС Устави нормаларини бажармагани учун, 23 киши эса ўз ихтиёри билан партия билетини топширди. Шу ўринда халқимизнинг «Мард — майдонда синалади» деган нақли ёдимга тушади. Менимча, партиямиз учун оғир кунларда курашда қочиш мардликнинг иши эмас. Бундайлар чиндан ҳам коммунист деган номга нолойиқдир.

Кейинги пайтда бизнинг районимизда ҳам ёшларни партияга қабул қилиш бўйича тажриба қўлланилмоқда. Номзодни ўз партия ташкилотида партияга қабул қилиш, менимча ижобий натижалар беради, партия ташкилотларининг мустақиллигини оширади, партияга номзод кишиларга талабчанлик ошади, улар масъулиятни ҳис қиладилар, биз эса тасодифий шахслардан ҳоли бўламиз.

— Партия сафларини мустаҳкамлашда, уларнинг фаоллигини оширишда коммунистлар аттестацияси ҳам катта аҳамият касб этди. Шундай эмасми?

— Коммунистлар аттестацияси бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини оширди, десам муболаға бўлмайди. Шу кунгача районимизда 5120 коммунист билан суҳбат ўтказилиб, улардан 282 киши шартли равишда аттестациядан ўтмади, 65 киши эса умуман синовдан ўтолмади.

Аттестация натижалари бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида кўрилганда 43 киши партиядан ўчирилди. Коммунистлар аттестациясини ўтказишдан мақсад — коммунистга партиявий жазо бериш ёки уни партиядан ҳайдаш эмас, балки уларнинг фаоллигини ошириш, партия ишига, топшириғига бўлган масъулиятини чуқурроқ ҳис этишига қўмаклашишдир.

Айни пайтда бошланғич партия ташкилотлари аттестация ўрнига бошқа бир механизм қўллашни таклиф этмоқдалар. Қайсики, бунинг натижасида партия турмуши нормаларини бузувчилардан партияни тозалаб бориш керак.

— Сўнгги пайтда «партиянинг обрўси тушиб кетяпти» деган ибора тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Сиз коммунист сифатида бу фикрга қандай қарайсиз?

— Сўнгги даврда партиянинг обрўсизланиш сабаблари — иқтисодий ҳаётимиздаги танқисликлар, меҳнатсиз даромаднинг ўсиши, ҳамма жойда интизомнинг бўшашиб кетиши, жиноятчиликнинг ўсиши, совет қонунларининг такомиллашмаганлигидир. Буларга қарши партия органлари томонидан ўз вақтида етарли чора-тадбирлар кўрилмади. Бунинг натижасида кўплар шундай фикрга бориб қолмоқдалар. Халқ ва партия ташаббускорлиги умумлашган ҳолдагина юқорида қайд этилган камчиликларни тугатиш мумкин.

— Шу сабабли бугунги кун коммунисти қандай бўлиши ва қандай йўл тутиши керак деб биласиз?

— Бугунги кун коммунисти масъулиятли, жанговар, софдил, партия ва халқ манфаатлари йўлида ғайратли бўлиши лозим. Ҳаёт келтириб чиқараётган мураккаб саволлар ва вазиятлар олдида айрим коммунистлар довдираб, саросимага тушиб қолмоқдалар. Лекин хавотирга ўрин йўқ. Ҳар қандай вазиятда ҳам масалани ўта вазминлик билан, мулоҳаза юритиб ҳал қилмоқ, одамларнинг вазият яхшиланишини кутаётганлигидан ғаразли мақсадларда фойдаланаётган кишиларга зарба бермоқ керак. Шу билан бирга олдимизга қўйилаётган вазифаларни зудлик билан ҳал қилиш лозим. Бунинг учун қабул қилинаётган қарорларимиз ва режаларимиз аниқ ва равшан бўлиши шарт.

— Мана ҳозир КПССнинг янги Устави ҳам муҳокамада. Бу борада қандай фикрларингиз бор?

— КПССнинг янги Устави албатта керак. Мавжуд Устав замон талабларига тўла жавоб бермай қолди. Менимча, демократик централизм принциплари янгича талқин қилиниши лозим. Яъни Уставдан қуйи мансабдорнинг юқори мансабдорга босқичма-босқич бўйсунишидан иборат казарма интизомини ўрнатиш учун фойдаланиш имконини берувчи талқинни бартараф этиш керак. Яна партия барча органлари ишидаги коллегиалликни, фикрлар хилма-хиллигини, танқид эркинлигини, алоҳида ҳолларда референдумлар ўтказишини, камчиликнинг кўпчилик қабул қилган қарорларини албатта бажаргани ҳолда ўз қарашларини ҳимоя қилиши ҳуқуқини Уставда кафолатлаб қўйиш керак.

— Сизнингча, партиядаги янгиланиш «юқоридан» бўлгани — маъқулми ёки «пастдан»?

— Партиядаги янгиланиш «юқоридан» ҳам, «пастдан» ҳам бўлгани маъқул. Қаерда номуносиблик бор экан, у янгланиши шарт деб ўйлайман.

— Райкомнинг тузилишида ўзгариш бўлдими?

— Ҳа, бўлди. Шу кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим тармоқлар бўйича бўлимлар қисқартирилиб, уларнинг сони камайтирилди.

— Кўп жойларда партия сиёсий ўқувига эътибор бермай қўйишяпти...

— Саволингизга тушундим. Бизда ундай эмас. Партия сиёсий ўқуви регионал хўжалик ҳисобига ўтиш ва ҳар бир меҳнат коллективи ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари тузиб чиққан режалар асосида ва тингловчиларни қизиқтирган долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда.

— Абдулла Қурбонович, сиз бир коммунист сифатида норасмий ташкилотлар фаолиятига қандай қарайсиз? Райком улар билан алоқа қиладими?

— Норасмий ташкилотлар қайта қуришнинг мевасидир. Бу ташкилотлар илгари сурган ғоялар таҳлил қилиниши, зарарли йўналишларга, миллатчилик асосида кишилар ўртасига нифоқ солишга уринишларга ва бошқа жамиятимизга бегона бўлган қарашларга зарба беришимиз, Конституция доирасида иш олиб борувчи ижобий қарашлар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим.

— Райком бюроси аъзолари ишидан қониқяпсизми?

— Ҳа, райком бюроси аъзоларининг ҳаммаси муносиб кишилар. Иккинчидан, уларда ишбилармонлик, қатъийлик, бошлаган ишни охирига етказиш хислатлари хосдир.

— КПСС XXVIII съезди тобора яқинлашиб боряпти. Ҳадемай, бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бошланади. Бу биз коммунистларнинг олдига юксак масъулият юклайди. Биз вужудга келаётган ижтимоий сиёсий, социал-иқтисодий вазиятларни ҳисобга олиб, сайлаб қўйилган орган ва шунингдек, унинг ҳар бир аъзоси фаолиятига холисона, ҳалол баҳо беришимиз керак.

Суҳбатдош
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Тонгги газеталарда

◎ КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси КПСС Марказий Комитетига тушган ва оммавий ахборот воситаларида баён этилган таклифларни умумлаштириб, «КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби» лойиҳасини тайёрлади. Ушбу лойиҳани бундан кейин билдириладиган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми муҳокамасига тақдим этиш назарда тутилмоқда. Ушбу лойиҳанинг матни бугун марказий газеталарда берилган.

◎ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретариати «Республика учун илмий кадрлар тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда кейинги йилларда Ўзбекистон ССРда илмий кадрлар, айниқса юқори малакали илмий кадрлар — фан докторлари тайёрлашга етарли эътибор берилмади, деб таъкидланади. Мазкур қарорнинг баёни бугун республика газеталарида эълон қилинган.

◎ «Кенг ваколатлар билан» — «Правда» газетасининг долзарб мавзудаги бугунги мақоласи ана шундай номланади.

Китобча қилиб чиқарилди

КПСС Марказий Комитетининг партия Марказий Комитети 1990 йил февраль Пленуми маъқуллаган КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» сарлавҳали матни алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилган китобча «Красний пролетарий» босмахонасида босилди.

(ТАСС).



◎ МОҲИР ТЎҚУВЧИ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-тўқув участкасининг тўқувчиси Барно Раҳматуллаева.

Т. Каримов сурати.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИКДА ЯШАЙЛИК

26 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг месхети туркларини вакиллари иштирокида қўшма мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари можароли вазиятлар юз берганлигини ва месхети туркларини жам бўлиб яшайдиган ерларда аҳволни барқарорлаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни муҳокама қилдилар. Ўз тарихий юртидан ғайриқонуний равишда ва асоссиз кўчирилган месхети туркларини туб аҳоли самимий ва хайрихоҳлик билан қабул қилганлиги таъкидланди. Улар 45 йилдан ортиқроқ вақт давомида жумҳуриятимизда тенглар орасида тенг яшадилар ва меҳнат қилдилар. Месхети туркларини жам бўлиб яшайдиган ерларда аҳволнинг беқарорлашуви тўпланиб қолган ва узоқ вақт ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан, шунингдек ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун миллатлараро нифоқ келтириб чиқаришга интилаётган порахўр ва жиноятчи унсурларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларидан келиб чиққан.

Аҳволни барқарорлаштириш учун бундай шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ ғоят қатъий қаттиқ чоралар кўриш, аниқ бир мақсадни кўзлаб мафкуравий иш юритиш, барча соғлом кучларни уюштириш, жумҳуриятимиздаги турли миллат кишиларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети муҳокама этилган масала юзасидан қўшма қарор қабул қилдилар.

СССР Олий Совети номига мурожаатнома қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА

СССР Олий Совети декларация қабул қилганлиги бутун совет жамиятига маълум бўлиб, унда бутун-бутун халқларни зўрлик билан кўчириб юборгани тажрибаси қораланади, уларнинг тарихий яшаш жойларига қайтиши эса сталинизм оқибатларини тугатишнинг асосий босқичи, деб эътироф этилади. Қрим татарлар, месхети туркларини ва бегуноҳ азият чеккан бошқа халқлар мазкур қарорни қизғин маъқуллаб, миннатдорчилик билан кутиб олдилар. СССР Олий Советининг кўчириб юборилган халқларга нисбатан белгилаган чора-тадбирлари тезроқ амалга оширилишига бўлган истак уларнинг ўз тарихий жойларига кўчиш кайфиятини кучайтириб юборди.

Бундан фойдаланган бузғунчи кучлар ўз сиёсий мақсадларини кўзлаб, СССР Олий Совети гражданларининг жўнаб кетишига тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқаётгани ҳамда ҳал этаётганини инобатга олишни истамай, амалга оширилаётган ишлар хусусида муросасизлик муҳитини вужудга келтиришга уринмоқдалар, бундай хатти-ҳаракатлар билан аҳолини миллатлараро негиздаги тўқнашувларга гижгижламоқдалар, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштирмоқдалар.

1989 йилнинг июнь ойида Фарғона областида одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган воқеа ва 1990 йилнинг 19-24 февраль кунлари Тошкент областининг бир қанча районларида юз берган тартибсизликлар миллатлараро можароларнинг ана шундай кўринишларига айланди. Ана шу тартибсизликлар чоғида шошилинч чора-тадбирлар кўрилгани туфайлигина одамлар қурбон бўлмади. Ҳозирги вақтда республикада миллатлараро кескинликка ва ана шу негиздаги можароларга йўл қўймаслик учун барча ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети СССР Олий Советининг месхети туркларини аҳолиси муаммолари билан шуғулланувчи комиссиясининг иши зарур даражада олиб борилмаётганлигини таъкидлаб, СССР Олий Советидан унинг фаолиятини жадаллаштиришни ва месхети туркларининг ота-боболари диёрига қайтиш тўғрисидаги азалий истаклари қондирилишига доир кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам ахборот бериб боришини ўтиниб сўрайдилар.

Мазкур халқнинг ҳаётий муҳим муаммолари жуда қисқа вақт ичида ҳал этилиши унга нисбатан адолатни тиклашга ва Ўзбекистондаги ғоят кескин ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, мамлакатимиз ва республикамизнинг айрим районларида содир бўлган фожиали воқеалар такрорланишининг олдини олишга имкон беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси
М. МИРҚОСИМОВ.

ЎзТАГ шарҳи:

Ўзбекистонда неча ўн йиллардан буён турли миллат кишилари яшамоқда. Улар елкама-елка меҳнат қилишларн, қувонч ва ташвишларини баҳам кўришлари учун бу ҳеч қачон халақит қилган эмас. Месхети туркларн ҳам бундан истисно эмаслар. Ўзбек халқи уларнинг бошига оғир иш тушган вақтда ўз оғаларидек бағрига олдн, баҳолн қудрат ёрдам берди. Бироқ ҳозир, мамлакатимизда шиддатлн инқилобий ўзгаришлар рўй бераётган, жамиятимиз сўзда эмас, амалда демократиялашаётган вақтда ўз шахсий нафсоннятини кўзлаб аҳволни беқарорлаштираётган, турлн миллат кишиларнни муҳолифликка ундаётган, кўрқув ва шубҳа уруғнни сочаётган ёвуз кучлар топилмоқда.

Жамиятимизнинг барча соғлом кучларн экстремистларнинг кирдикорларига қатъий равишда «Йўл қўймаймиз!» деб айтишлари керак. Биз ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолардн, шунингдек ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун миллатлараро нифоқ келтириб чиқаришга интилаётган порахўр ва жиноятчи унсурларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларидан келиб чиққан.

Аҳволни барқарорлаштириш учун бундай шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ ғоят қатъий қаттиқ чоралар кўриш, аниқ бир мақсадни кўзлаб мафкуравий иш юритиш, барча сн ўзбек ёки аксинча қарор топган оилалар борлиғини унутмаслик керак. Бу оилаларда фарзандлар туғилган. Оилавий ришталарни узиб ташлашга кимнинг қўли бориши мумкин!!

Келинг, сабр-бардошли бўлайлик. СССР Олий Советн месхетн туркларн муаммоларн комиссиясининг таклифи устида бафуржа ва диққат билан ишлаб, аниқ-равшан қарор қабул қилсин. Орадан унча кўп вақт ўтмасдан, хоҳлаган кишилар ўз она юртига осойишта боришлари мумкин, деб ўйлаймиз. Республика ҳукматн уларга моддий зарар етмаслигн учун, шубҳасиз, барча ншларни қиладн.

Ҳозир Ўзбекистонда одамларнинг миллатига қараб камситишшига йўл қўймайдиган ғоят жиддий чоралар кўрилаётганлиги маълум. Ҳаддидан ошган, экстремист кайфиятдаги нопок унсурларга жуда қаттиқ зарба бериш керак. Биз ёшларимизнинг ўйламасдан уларга эргашишларига йўл қўймаймиз. Қайта қурмш учун курашда куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

◎ **ШУ ЙИЛ 26 февраль куни «Наврўз» халқ байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича ташкилий комитетнинг мажлиси бўлди.** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, ташкилий комитет раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов «Наврўз» байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифалар ҳақида, ана шу тантаналарнинг қатнашчиларига маданий, савдо, транспорт хизматини кўрсатиш, овқатланишини ташкил этиш бўйича Бош бошқармалар олдидаги муайян вазифалар ҳақида гапирди. Маҳалла ва микрорайонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича иш кўламлари белгиланди. Энг муҳими «Наврўз»нинг баҳор байрами, жумҳуриятимиз пойтахтида истиқомат қилаётган барча халқлар ва элатларнинг янгланиш байрами сифатида ўтишини таъминлашдир, деб таъкидланди ташкилий комитет мажлисида.

Мажлисда сўзга чиққан ташкилий комитет аъзолари шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Қ. Ф. Фозилхўжаев, хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича шаҳар кенгашининг раиси Ҳ. Г. Қодирова, В. И. Ленин номидаги совет болалар фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси И. Р. Расулев, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев, Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси Д. М. Ғуломова, «Наврўз» байрами тантаналарининг бош режиссёри «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри Б. Т. Йўлдошев ва бошқалар ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга доир ўз таклифларини баён этдилар.

ЎзТАГ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МАТБУОТ ГРУППАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ахборот агентлиги ҳузурида республика махсус матбуот группаси тузилди. Матбуот группаси тайёрлаган дастлабки материаллар газеталарда босилиб чиқди, телевидение ва радио орқали эшиттирилди.

Группа составида журналистлардан ташқари партия, совет, давлат, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотларининг нуфузли ходимлари, социологлар бор.

Республика аҳолисида жуда кўп саволлар туғилмоқда, лекин афсуски, бу саволларга улар тегишли идоралар ва ташкилотлардан жавоб ололмаётирлар. Бироқ ана шу саволлар одамларни ҳамон ташвишга солмоқда. Шу боисдан махсус матбуот группаси газетхонлар билан бевосита алоқа ўрнатишга аҳд қилди. Сизни қизиқтирган ҳар қандай саволлар билан қуйидаги адресга мактуб йўллашингиз мумкин: 700000, Тошкент, ГСП, Карл Маркс кўчаси, 38, ЎзТАГ, матбуот группаси.

Шанба ва якшанба кунларидан ташқари исталган кунда соат 15 дан 17 га қадар Тошкентга 33-83-79 рақамли телефонга қўнғироқ қилишингиз, ўз саволингиз ва таклифингизни айтишингиз мумкин.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1990 йил 11 март якшанба — дам олиш кунини 9 март жума кунига кўчиришга қарор қилди.

Спорт

◎ ХОККЕЙ. Кеча Москвада Марказий Армия спорт клуби пойтахтнинг «Спартак» хоккейчилари билан учрашиб 2:1 ҳисобида ғалабага эришди. «Торпедо» (Яр.) — «Сокол» ўйинлари эса 5:2 ҳисобида якунланди. Турнир жадвалида пешқадамликни қўлга олган Москванинг «Динамо» хоккейчилари эса «Химик» командаси билан ўтган кун учрашиб, 5:3 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Бугунги кунда Москванинг «Динамо» хоккейчилари 67 очко билан биринчи ўринда, «Химик» хоккейчилари эса 66 очко билан иккинчи ўринда, Марказий Армия спорт клуби спортчилари 64 очко билан учинчи ўринда боришмоқда.

◎ ШАХМАТ. Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтказилаётган шахмат турнирида жаҳон чемпиони Г. Каспаров пешқадамлик қилмоқда. 7-турда у В. Иванчукни мағлубиятга учратиб 6 очко тўпладн.

1990 йил 18 февраль куни Тошкент шаҳар Советига сайланган депутатларнинг рўйхати

Абдуллаев Бахтиёр Рустамович — 3-шаҳар касалхонасининг бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 35-сайлов округидан.

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Тошкент алоқа электротехника институтининг ректори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 61-сайлов округидан.

Абдуллаев Неъматилла — Бутуниттифоқ энергетиклар ва электромеханиклар илмий-техника жамияти Ўзбекистон республика правлениеси раисининг ўринбосари, «Оқтепа» маҳалла комитети раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 15-сайлов округидан.

Абдуллаев Тельман Каримович — шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси автобазасининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 3-сайлов округидан.

Абдумавлонов Абдулҳай Абдусатторович — Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 128-сайлов округидан.

Абдумазарова Дилшод Умаровна — 104-мактаб директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 175-сайлов округидан.

Абдураимов Ҳатам Маҳкамович — Тошкент шаҳар партия комитети идеология бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 249-сайлов округидан.

Аванесов Сейран Ервандович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг авиатехниги, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 217-сайлов округидан.

Аъзамов Ғани — А. Набиев номидаги маҳалла комитетининг раиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 159-сайлов округидан.

Одилова Саидахон Абдувоҳидовна — «Ўзбекбирлашув» ҳисоблаш бош марказининг инженери, партиясиз, Тошкент шаҳри, 156-сайлов округидан.

Азизхўжаева Светлана Маъруповна — 29-мактаб директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 142-сайлов округидан.

Азимов Равшан Анварович — Тошкентдаги «Матбуот» матбаачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтёри, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 131-сайлов округидан.

Алиев Анвар Маҳмудович — Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 225-сайлов округидан.

Алиев Ғулом Алиевич — республика давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 58-сайлов округидан.

Алихўжаев Осим Саъдуллаевич — Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 24-сайлов округидан.

Аргова Эльвира Степановна — қоғоз фабрикаси цех бошлиғининг ўринбосари, партиясиз, Тошкент шаҳри, 211-сайлов округидан.

Орипов Ҳусниддин Сирожиддинович — Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 132-сайлов округидан.

Артемьев Владимир Иванович — картон таралари заводи директорининг ўринбосари, партиясиз, Тошкент шаҳри, 106-сайлов округидан.

Ортиқхўжаев Обид Хўжаевич — «СредазНИИгипрогаз» директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 155-сайлов округидан.

Асомов Ҳусниддин — Тошкент зонал экспериментал лойиҳалар илмий-тадқиқот институтининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 150-сайлов округидан.

Асепков Юрий Асралович — Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 1-сайлов округидан.

Отаев Олим Отаевич — «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 222-сайлов округидан.

Аҳмаджонов Маҳаматжон Аҳмедович — Ленин район халқ назорати комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 110-сайлов округидан.

Бадалов Бахтиёр Асқарович — «Компрессор» заводининг йиғувчи-слесари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 145-сайлов округидан.

Вергун Сергей Васильевич — лак-бўёқ заводининг фрезерчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 93-сайлов округидан.

Волков Владимир Григорьевич — «Узстройпроект» институтининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 236-сайлов округидан.

Волкодавов Владимир Феофанович — 1-уйсозлик комбинатининг цех бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 216-сайлов округидан.

Воҳидов Восит Воҳидович — СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ кўкрак хирургияси марказининг Тошкентдаги филиали директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 227-сайлов округидан.

Габрелян Нина Николаевна — Тошкент телефон-телеграф станциясининг электр монтёри, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 127-сайлов округидан.

Ғозиназаров Улуғбек Адҳамович — Тошкент бирлашган авиаотрядининг командири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 179-сайлов округидан.

Годженов Рефат Асанович — 58-мактаб директори, партиясиз, Тошкент шаҳри, 54-сайлов округидан.

Гончарова Анна Владиславовна — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлими мудирининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 37-сайлов округидан.

Ғуломов Рустам Маҳкамович — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 137-сайлов округидан.

Ғуломова Дилфуза Ғуломовна — Семашко номидаги илмий-тадқиқот институти бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 31-сайлов округидан.

Даминов Турғунбўлат Обидович — педиатрия илмий-тадқиқот институтининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 161-сайлов округидан.

Жўраев Вагим — Тошкентдаги «Матбуот» матбаачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 134-сайлов округидан.

Донсков Владимир Леонидович — Сергели бирлашган авиаотрядининг катта штурмани, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 173-сайлов округидан.

Ершов Александр Иванович — «Лазат» заводининг токари, партиясиз, Тошкент шаҳри, 43-сайлов округидан.

Жаканов Шолхарбай — Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадасининг бошлиғи, партиясиз, Тошкент шаҳри, 83-сайлов округидан.

Зайцев Александр Петрович — «Миконд» заводининг газ-электр пайвандчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 157-сайлов округидан.

Иванов Константин Валентинович — 11-ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 74-сайлов округидан.

Игнатов Анатолий Иванович — 63-қурилиш монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 172-сайлов округидан.

Иззатуллаев Ҳасан Парпиевич — Сергели район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 177-сайлов округидан.

Иконников Евгений Алексеевич — радио техникуми ўқитувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 246-сайлов округидан.

Иноғомов Бахтиёр Қодирович — 2-пойабзал фабрикасининг бош инженери, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 248-сайлов округидан.

Исломов Аҳмад — «ТашГИТИ» институтининг директори, Ҳ. Абдуллаев номидаги маҳалла комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 17-сайлов округидан.

Исматова Мавлуда Собировна — 273-мактаб директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 46-сайлов округидан.

Исматуллаев Шуҳратулла Асатович — Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти, партиясиз, Тошкент шаҳри, 152-сайлов округидан.

Казаринов Юрий Борисович — Киров район партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 47-сайлов округидан.

Калонов Рустам Абдуҳакимович — Киров район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 41-сайлов округидан.

Камолов Ҳожиакбар Камолович — Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 201-сайлов округидан.

Комилов Кабир Комилович — «Янгиариқ» маҳалла комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 33-сайлов округидан.

Комилов Шарип Комилович — «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 163-сайлов округидан.

Каримов Азиз Юнусович — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 16-сайлов округидан.

Карапетов Олег Ричардович — Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 165-сайлов округидан.

Каримов Шоди — Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 221-сайлов округидан.

Қосимов Учқун Рихсиевич — Туркистон Ҳарбий Округи сиёсий бошқармаси бўлимининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 218-сайлов округидан.

Қосимов Адҳам Каримович — шаҳар болалар клиник касалхонасининг бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 52-сайлов округидан.

Қосимов Баҳодир Эргашевич — СССР Ички ишлар министрлиги ўт ўчирувчилар олий мактаби Тошкент филиалининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 29-сайлов округидан.

Қосимов Тоҳир Қосимович — Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти, Беруний номидаги маҳалла комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 143-сайлов округидан.

Клепиковская Александра Егоровна — Тошкентдаги 1-тажриба-механика эксперименталь заводининг оператори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 84-сайлов округидан.

Колядин Виктор Фёдорович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг силлиқловчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 203-сайлов округидан.

Конеев Равиль Ибрагимович — алоқа мастери, партиясиз, Тошкент шаҳри, 229-сайлов округидан.

Корнейчук Святослав Владимирович — махсус ишлар бошқармаси сантехниклар бригадасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 30-сайлов округидан.

Краснопольская Любовь Константиновна — 7-мактаб ўқитувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 174-сайлов округидан.

Крисин Анатолий Федорович — Собир Раҳимов район партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 162-сайлов округидан.

Кузь Владимир Михайлович — Туркистон Ҳарбий Округи штаби сиёсий бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 81-сайлов округидан.

Қурбонова Наргиза Ўткуровна — Тошкент шаҳар маиший трикотажлар бирлашмасининг тўқувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 226-сайлов округидан.

Кусаева Мария Хаимовна — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 204-сайлов округидан.

Кустов Виктор Петрович — «Главташкентстрой» 4-қурилиш трести 6-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи, партиясиз, Тошкент шаҳри, 90-сайлов округидан.

Лапаев Виктор Петрович — «Ташметрострой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг машинисти, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 241-сайлов округидан.

Липина Валентина Ивановна — «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг қуритувчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 176-сайлов округидан.

Лобков Виктор Николаевич — «Узгипросвязь» институтининг бош инженери. КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 63-сайлов округидан.

Лучанинов Александр Васильевич — Туркистон Ҳарбий Округи штабининг катта офицери, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 27-сайлов округидан.

Мавлонов Абдулазиз Жабборович — 2-автокомбинат касаба союз комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 13-сайлов округидан.

Мавлонов Абдумажид Абдурасулович — «Автотехобслуживание» бирлашмаси комсомол комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 228-сайлов округидан.

Маликов Фарҳод Латипович — булка-қандолатчилик комбинати партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 14-сайлов округидан.

Маннонова Сурайё Жалиловна — 455-болалар боғчасининг мудираси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 9-сайлов округидан.

Мансуров Ортиқ Маҳмудович — «Средазгазавтоматика» заводининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 26-сайлов округидан.

Марченко Валерий Иванович — асбобсозлик заводининг созловчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 45-сайлов округидан.

Маҳамедова Шоира Маҳмудовна — «Электробитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчиси, ВЛКСМ аъзоси, Тошкент шаҳри, 238-сайлов округидан.

Маҳмуджонов Юсупжон — Тошкентдаги тажриба ремонт-механика заводининг токари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 215-сайлов округидан.

Маҳмудов Анвар Содиқович — «Алгоритм» заводининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 244-сайлов округидан.

Миленькая Татьяна Федоровна — 23-болалар уйининг директори, партиясиз, Тошкент шаҳри, 232-сайлов округидан.

Миродилов Тоҳир Мирҳўжаевич — тез медицина ёрдами клиник касалхонасининг бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 7-сайлов округидан.

Миржалилов Атҳамжон — Тошкент метрополитенининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 118-сайлов округидан.

Мирнеъматов Қобилжон Хаитбоевич — 2505-автоколонна ҳайдовчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 48-сайлов округидан.

Мишин Вячеслав Алексеевич — Акмал Икромов район партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 10-сайлов округидан.

Моллахунова Рашида Баудиновна — «Семурғ» фирмаси бригадасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 138-сайлов округидан.

Мўминов Теша Ҳусаинович — Ҳамза номидаги театр актёри, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 136-сайлов округидан.

Муродов Малик Муродович — маданият институти кафедрасининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 77-сайлов округидан.

Мурсолиев Алишер Мурзаевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси агрегат йиғув ишлаб чиқариши комсомол комитетининг секретари, КПСС аъзолигига номзод. Тошкент шаҳри, 202-сайлов округидан.

Мусаева Гавҳар Абдуҳамитовна — чинни заводи гул солувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 158-сайлов округидан.

Муҳамедов Муротбек Мусаевич — «Средазгазпром»ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлими бошлиғининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 56-сайлов округидан.

Назарова Асила Абдураҳмоновна — манзарали боғдорчилик совхозининг ишчиси, ВЛКСМ аъзоси, Тошкент шаҳри, 224-сайлов округидан.

Норбоев Эсон Маматқулович — 153-қурилиш трестининг слесари, партиясиз, Тошкент шаҳри, 234-сайлов округидан.

Насимов Карим Азизович — 2-автопарк бригадасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 219-сайлов округидан.

Нехорошев Сергей Николаевич — «Ташметрострой» трестининг электр-газ пайвандчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 239-сайлов округидан.

Никольская Римма Павловна — 49-мактаб ўқитувчиси, партиясиз. Тошкент шаҳри, 76-сайлов округидан.

Нўъмонов Абдулла Қурбонович — Қуйбишев район партия комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 70-сайлов округидан.

Одинцов Валентин Васильевич — «Узмясомолспецавтотранс» автобазасининг электр-газ пайвандчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 8-сайлов округидан.

Пахрутдинов Шукрутдин Илёсович — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 22-сайлов округидан.

Пинхасов Борис Ильич — суд экспертизаси илмий тадқиқот институтининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 240-сайлов округидан.

Попков Юрий Владимирович — «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 67-сайлов округидан.

Проценко Людмила Владимировна — «Миконд» заводининг сараловчиси, КПСС аъзоси. Тошкент шаҳри, 139-сайлов округидан.

Путилин Геннадий Захарович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 113-сайлов округидан.

Расулев Ботир Қодирович — 5-таксопарк аккумуляторчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 230-сайлов округидан.

Расулева Дилором Саитовна — «Ўртоқ» фабрикасининг бригада бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 28-сайлов округидан.

Расулов Карим Расулович — Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри 195-сайлов округидан.

Раҳимбердиев Неъматжон Раззоқович — Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 149-сайлов округидан.

Раҳимов Шуҳрат Хударганович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 199-сайлов округидан.

Раҳматуллаев Файзулла Неъматуллаевич — чинни заводининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 166-сайлов округидан.

Рябчун Михаил Захарович — Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 242-сайлов округидан.

Содиқов Мирзоҳид Мирмаҳмудович — Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 108-сайлов округидан.

Содиқов Толиб Содиқович — уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 247-сайлов округидан.

Содиқова Муҳаббат Юсуповна — «Юнусобод» универсамининг катта сотувчиси, ВЛКСМ аъзоси, Тошкент шаҳри, 57-сайлов округидан.

Соипназаров Султонниёз — қурилиш техникумининг ўқитувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 243-сайлов округидан.

Саидхўжаев Саидакбар Умарович—15-ўрта-ҳунар техника билим юртининг ишлаб чиқариш инженери, партиясиз, Тошкент шаҳри, 208-сайлов округидан.

Сайдалиев Бахтиёр Аҳрорович — «Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш-техника комплектлаш бошқармаси слесари, партиясиз, Тошкент шаҳри, 207-сайлов округидан.

Салабаева Галина Васильевна — 10-поликлиника бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри. 2-сайлов округидан.

Солиҳов Абдуғаппор Мухторович — Тошкент шаҳрининг прокурори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 59-сайлов округидан.

Солиҳов Қаҳрамон Халилович — Акмал Икромов район ички ишлар бўлимининг оператив вакили, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 4-сайлов округидан.

Сартоев Пўлат Мамажонович — Тошкент автомобиль йўллари институти партия комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 40-сайлов округидан.

Сербин Николай Пантелеевич — 42-мактаб директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 120-сайлов округидан.

Сидельников Михаил Евгеньевич — «Промсвязь» заводининг созловчиси,. партиясиз, Тошкент шаҳри, 250-сайлов округидан.

Соболева Татьяна Николаевна — 12-корхона техниги, партиясиз, Тошкент шаҳри, 44-сайлов округидан.

Сирожиддинов Салоҳиддин Насриддинович — Тошкентдаги «Матбуот» матбаачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинисти, ВЛКСМ аъзоси, Тошкент шаҳри, 129-сайлов округидан.

Султонова Мэлс Александровна — 101-интернат-мактаб директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 88-сайлов округидан.

Толипов Содиқжон Ортиқович — ободонлаштириш Бош бошқармаси қошидаги шаҳарни ёритиш идорасининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 111-сайлов округидан.

Тошўлатов Қобил Аҳматович — аэропорт бошлиғининг смена ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 133-сайлов округидан.

Тошхўжаева Наима Сайдуллаевна — «Шарқ гули» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 123-сайлов округидан.

Темуров Шукур — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқитувчиси, А. Тожиев номидаги маҳалла комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 25-сайлов округидан.

Турсунов Саъдулла — 2-автокомбинат ҳайдовчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 11-сайлов округидан.

Умаров Баҳодир Валиевич — «Физика-Қуёш» илмий- ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 42-сайлов округидан.

Умархонов Ҳасан Усмонхонович — 127-автокорхона ҳайдовчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 154-сайлов округидан.

Ўринбоев Иброҳим Зайлиевич — «Тез ёрдам» станциясининг бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 36-сайлов округидан.

Усмонов Зиёвиддин Нажмиддинович — «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмасининг оператори, партиясиз, Тошкент шаҳри, 141-сайлов округидан.

Усмонхўжаева Ақида Эҳсоновна — врачлар малакасини ошириш институтининг кичик илмий ходими, партиясиз, Тошкент шаҳри, 68-сайлов округидан.

Фозилбеков Адҳамбек Иброҳимович—Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 32-сайлов округидан.

Фозилхўжаев Қодир Фозилович — педагогика фанлари институтининг директори, шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 21-сайлов округидан.

Ҳантова Мамлакат — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 125-сайлов округидан.

Ҳолиқов Рустамбек Ғаффорович — «Ташметрострой» трестининг лаҳмчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 245-сайлов округидан.

Ҳасанов Неъматжон — район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 206-сайлов округидан.

Ҳасанова Раҳима Йўлдошевна — булка-қандолатчилик комбинатининг қадоқловчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 5-сайлов округидан.

Ҳошимов Ғани Тўлаганович — Тошкент мармар заводи касаба союз комитети раиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 147-сайлов округидан.

Ҳикматов Шукурулло Ҳикматович — Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 114-сайлов округидан.

Хўжаев Аъло Мақсумович — «Узбекфильм» киностудиясининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 223-сайлов округидан.

Хўжаев Шабот Хўжаевич — Вирусология илмий тадқиқот институтининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 23-сайлов округидан.

Холопова Светлана Борисовна — «Семурғ» фирмасининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 148-сайлов округидан.

Хребтов Владимир Дмитриевич — 12-қурилиш трестининг бригада бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 6-сайлов округидан.

Ҳусаинов Рафкат Зинатович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 51-сайлов округидан.

Цаболова Лидия Аўзбиевна — 365-болалар боғчасининг мудираси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 12-сайлов округидан.

Чернова Лилия Сергеевна — грампластинкалар заводининг прессловчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 86-сайлов округидан.

Шалупов Владимир Афанасьевич—шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри. 235-сайлов округидан.

Шомансуров Шомақсуд Назирович — Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 164-сайлов округидан.

Шевелева Елена Георгиевна — «САО сельэнергопроект» институти бўлимининг бошлиғи, партиясиз, Тошкент шаҳри, 212-сайлов округидан.

Шоабдураҳимов Шоиноят — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 205-сайлов округидан.

Шоаҳмедова Фарида Кўзиевна — Тошкентдаги «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 126-сайлов округидан.

Шпильков Николай Леонидович — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 73-сайлов округидан.

Эгамбердиев Эминжон — Тошкент Давлат дорилфунунининг ўқитувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 214-сайлов округидан.

Йўлдошев Абдулла Темирович — 12-автопарк ҳайдовчиси, партиясиз, Тошкент шаҳри, 167-сайлов округидан.

Йўлдошев Баҳодир Ғаниевич — Тошкент шаҳар партия комитети бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 66-сайлов округидан.

Йўлдошев Карим Йўлдошевич — Семашко номидаги илмий тадқиқот институтининг директори. КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 55-сайлов округидан.

Йўлчиева Гулнора Деҳқоновна — Куйбишев район социал-таъминот бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 80-сайлов округидан.

Юнусов Мирабзал Маҳмудович — 1-касалхона бош врачи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 237-сайлов округидан.

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович — машинасозлик институтининг ректори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 121-сайлов округидан.

Юсупов Зоқиржон Мирзааҳмедович — «Компрессор» заводи партия ташкилотининг секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 153-сайлов округидан.

Юсупова Мастура Тўйчиевна — 144-мактаб директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, 184-сайлов округидан.

Хориждан хабарлар

⊙ ЛОНДОН. Шотландиянинг Гленинглс деган жойида Европа мустақил программаси группаси деб аталган группага кирувчи Шимолий Атлантика уюшмасига аъзо бўлган Ғарбий Европадаги 13 та етакчи мамлакат мудофаа министрларининг учрашуви тугади.

Пресс Ассошиэйшн ахборот агентлигининг уқтиришича, «Мудофаа министрлари Шарқий Европа мамлакатларида бўлаётган ўзгаришларга қарамай ҳали ҳам ҳарбий саноатнинг келажаги бор, деган якдил фикр билдирганлар». Кенгаш қатнашчилари шу муносабат билан Ғарбий Европа ҳарбий маҳсулотлар бозорини «янада ошкора қилиш» кераклигини айтдилар, қурол-яроғ соҳасида биргаликда олиб бориладиган тадқиқотлар программасини ишлаб чиқиш ғоясини қўллаб-қувватладилар.

⊙ БУДАПЕШТ. Венгрияда давлат мажлисига март ойида ўтказиладиган сайловдан сўнг ҳокимият тепасига ўнг партиялар келиши мумкин ва мамлакатда парламент демократияси ниқобидаги реакцион майда буржуа диктатураси пайдо бўлиш хавфи юзага келади, деди Будапештда бўлган сайловолди митингида Венгрия Социалистик ишчи партияси сайлов комиссиясининг раиси Ласло Удвархейи.

Буржуазия тикланган тақдирда, деди сўзида давом этиб нотиқ, мамлакатда ғарбдагига ўхшаш эмас. балки капиталистик система болқончасига мазах қилинган ҳунук бир манзара шаклланади. Венгриянинг ҳозирги иқтисодий ривожи даражасидаги инвестиция унинг учун миллий бойликларни сотишни, шунингдек мамлакатни ярим мустамлака давлатга айлантиришни билдиради. Шу боисдан мамлакатни гўёки оёққа тургазиши мумкин бўлган хорижий сармояларга орқа қилиш хом хаёлликдир.

(ТАСС хабарларидан).

Швейцария соатсоз усталари топқирлигининг чеки йўқ. Шулардан бири, Рене Линдер исмли уста конструкцияси билан аввалги соатларга ўхшамайдиган соатни яратди. Швейцария Кейстон агентлигининг ушбу суратида у ана шу соатни намойиш қилмоқда. Соатнинг биз кўникиб қолган вақтни кўрсатувчи миллари йўқ. Унинг ўрнига циферблатдаги расм ҳар дақиқада ўзгариб туради. Ана шу расмларга қараб вақтнинг қандай аниқланиши жумбоқ бўлиб қолмоқда, холос.

Кейстон — ТАСС сурати.



Ёдномалар

Ҳамзанинг назари тушган

⊙ Қўқон қадимдан шоирлар, санъаткорлар шаҳри. Қўқонлик адабиёт ва санъат намояндалари ўзбек маданияти ривожига катта ҳисса қўшдилар. Бу ҳақда кўп ёзилди ва ёзилажак. Бугун биз кўҳна Қўқонда туғилиб ўсган истеъдодли санъаткор Миршоҳид Мироқиловнинг ҳаётидан баъзи лавҳаларни ҳикоя қиламиз.

МИРШОҲИДНИНГ икки акаси инқилобдан олдиноқ халқ орасида маълум ва машҳур артистлар бўлишган. Оталари ҳам катта йиғинларда, халқ сайилларида, Фарғона водийсида қадимдан расм бўлган аския пайровларида ўртага тушиб сўз қотишга уста киши эди. Шу боис ота ҳамда акалар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга яқин эдилар. Кунларнинг бирида уларникига Ҳамза келибди. Кичик Миршоҳид шу хонадонда яшовчи ҳаммани; ҳатто оталарини тақлид қилиб юриш-туришларини моҳирлик билан кўрсатиб беради. Ҳамза унинг истеъдодига қойил қолади. Кўп ўтмай уни ўз мактабига олиб кетиб, ўқитади. Шу сабаб бўлиб ҳаваскорлик тўгараги· ташкил топади. Ҳамза шу тўгарак учун кичик интермедиялар ёзиб беради. Бу интермедиялар кўпроқ ўша вақтларда ҳукм сурган камчиликларни очиб ташлашга қаратилган бўлиб, маҳаллаларда кўрсатиш жуда қўл келади. Ҳамза кўрадики, анчагина истеъдодлар йиғилган, энди театр ташкил этса бўлади. У ҳукумат олдига бу масалани қўяди. Шундай қилиб театр ташкил этилади. Миршоҳид Мироқилов директор ва режиссёр этиб тайинланади. Коллектив Ҳамза пьесаларини саҳналаштиришга киришади. Лекин санъаткорлар моддий жиҳатдан жуда қийналишар эди. Саҳна безаклари у ёқда турсин, кийим-кечаклар ҳам йўқ. Эрта-ю-кеч ишлашга қарор қилишди, кундуз кунлари шаҳарда, кечқурунлари яқин қишлоқларга чиқиб томоша кўрсатишарди. Узоқ қишлоқларга боришга от-улов топилмасди. Миршоҳид Мироқилов бунинг ҳам йўлини ўйлаб топди. Чоршанба кунлари бозор олдидаги карвон саройни эшак босиб кетарди. Ўшандан бир нечтасини кирага олиб, бир кун бўлса ҳам олис қишлоқларга борадиган бўлишди. Улар қаерда спектакль қўйишмасин, кийимни томошабинлардан сўраб олиб томоша тамом бўлгач, қайтариб берардилар. Бу билан ҳам иш юришмади. Топган маблағларининг бир қисмига «Ким ошди» бозоридан кийим оладиган бўлишди. Ўша вақтларда бойлардан тортиб олинган кийимларни турли ташкилот вакиллари «Ким ошди» қилиб сотар эди.

Бир кун Миршоҳид Мироқилов ўша «Ким ошди» бозорига театр мухлислари ва артистларни тўпладида, биринчи нархидан оширмасликни тайинлаб, кўпгина кийим-кечакларга арзон баҳода эга бўлишди. Қўқоннинг эски шаҳарига қарашли бир масжидда бир сўфи бўларкан. Касби сўфию, корчалонликни яхши кўраркан. Бир куни уни сўфиликдан туширишибди. Корчалонликка одатланган сўфи амалдан тушиб қолгач, Хонақоҳдаги ҳовуз бўйига бир парча шолча ёзиб кун бўйи ўтирадиган бўлибди. Бутун маҳалла шу ердан сув ичар экан. Сувга келганларни текширадиган, ким неча марта сувга чиқишини ҳисоблайдиган бўлибди. Бу нарса одамларнинг жонига тегибди. Миршоҳид акага шикоят қилишибди. Миршоҳид ака бир куни сўфини қўймай театрга олиб борибди, томоша залига ўтқазиб қўйиб, чопони ва салласини сўраб олиб, ўзи кийибди-да парда олдига чиқиб, спектаклдан олдин ҳовуз тепасидаги воқеаларни кўрсатибди. Одамлар кимлигини фаҳмлаб роса кулишибди.

Яна бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган. Тошкентда бўлган бир кечада иштирок этганман. Икки комик актёр — Ҳожисиддиқ Исломов ва Миршоҳид Мироқилов ҳеч тортинмай камчиликларни ҳазил остига олаверардилар. Қаттиқ қиш эди. Театр биноси совуқ, томошабинлар пальто ва қалпоқларда ўтиришарди. Томошага шаҳар Советининг раиси ҳам келганди. Икки комик саҳнага чиқиб дафъатан: «Ҳа, Ҳожи Шимолий, қутбга кетяпсанми?» деса пўстинга ўранган Ҳожи ака «Йўқ, Ҳамза театрига кетяпман», дейди. Кулгидан шаҳар Советининг раиси туриб кетди ва бошидаги қалпоғини олишга мажбур бўлади.

Чорсу билан Тахтапул ўртасида бир излик трамвай қатнарди. У ҳам битта эди. Миршоҳид ака «Ҳожи, нега кечга қолдинг» деса, у «Эрта баҳорда трамвайга чиқувдим, кеч кузда етиб келдим», дейди. Ҳожисиддиқ: «Миршоҳид, яқин ўртада бозорга тушдингми», деса, «Бир боғ пиёз олгани тушувдим икки пой калишимни қолдирдим», деб жавоб беради. Дарҳақиқат ўша йиллари ёғингарчиликдан ҳаммаёқ балчиқ бўлиб юриб бўлмасди. Хуллас, улар нимани танқид қилишса, албатта инобатга олинарди.

Ҳа, улар бир-бирлари билан яқин дўст, ҳазилкаш эдилар. Ҳожи ака Миршоҳид акадан катта бўлишига қарамай, сенлаб гаплашардилар. Бир куни икки артистнинг палов егилари келадию, кўчага чиқиб, «Юр, Сайфиникига (бу артист Алимов) борамиз. Ҳар пайшанба ош дамлайди» дебди Ҳожи ака. Боришса ўша куни шўрва экан. Ҳожи ака хотиним ош қилгандир деб Миршоҳид акани уйига бошлаб борса, у ерда ҳам шўрва экан. Хуллас, у киши ҳам уйига борса хотини бир коса шўрва олиб келиб қўйибди. Эринмай Ҳожи аканикига келиб «Хафа бўлма, бизда ҳам шўрва экан» депти.

Ҳожи ака қаттиқ бетоб бўладию, Миршоҳид ака кўргани боради.

— Ҳа, Ҳожи, Азроил жонингга чанг солмоқчими? — дейди саломалик қилиб. — Қани ўша Азроил, кўрсат, додини бериб қўяй.

Шунда ўрнидан туролмай ётган касал, шартта туриб:

— Азроилга бўш келадиган аҳмоқ йўқ, — деган экан.

Бемор икки кун ўтмай қазо қиладию, Миршоҳид ака тобут олдига тушиб «Азроилнинг бир зарбига бардош беролмаган Ҳожи» деб додлаб боради. Кўмиб чиқиб келяпмизу, у киши қабристон эшиги олдида қўл қовуштириб: «Камнамо бўлманглар, келиб туринглар, Ҳожи акани ёлғизлатманглар», дерди.

Бу актёр кинода ҳам ажойиб роллар яратган. Шулардан бири «Насриддин Бухорода» фильмидаги соқчи образидир. Бу образ бир оғиз ҳам гапирмайди. Агар ўша эпизод эсингизда бўлса, уч соқчи Насриддин афандини қопга солиб, ўлимга олиб кетишяпти... Афанди уларни лақиллатиб, олтин кўрган жойини айтади, уларнинг иккиси бир соқчини (Миршоҳид ака) Насриддин Афандини пойлашга қолдириб, олтин излаб кетадилар. Шунда учинчи соқчи олтиндан қуруқ қолаётгандек безовта бўлаверади ва аста кавушини қўлига олиб, улар ортидан равона бўлади.

Бундай кулгилик саҳнани юзага чиқариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, деб ўйлайман.

Миршоҳид ака ҳам давр тақозоси билан 50-йилларда, штат қисқартирилишига тушган. Шунда унинг бутунлай ўзгариб қолганини кўрганман. Унинг учун театрдан бўшаш ўлим билан тенг эди. Бир неча марта театрни оёққа турғазган, роль ижро этишда ҳеч кимга бўш келмайдиган киши, ўзини идора қилолмай қолган. Одамларни қулдиришга, завқ беришга, ҳар қандай вазиятда чора топишга қодир бир кимса, бирданига ўзгача талқон солгандай жим бўлиб қолса?! У уйига бормай қўйди, театрда мукка тушиб ётаверди. «Ўлгим шу театрдан чиқсин», дерди. Мана фидойилик! Кўнгли кўтарилсин деб кейин қабул қилиндию кеч бўлди...

Бинобарин Миршоҳид Мироқиловга ўхшаш буюк сиймолар ҳеч қачон унутилмайди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

Олий ўқув юртларида

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

⊙ Ленин номидаги Совет болалар фондининг Узбекистон бўлимига қарашли байналмилал-ватанпарварлик бирлашмаси ёш авлод камолотни йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бирлашма ташаббуси билан бу борада яқинда яна бир яхши ҳаракат бошланди. Жумҳуриятимиздаги болалар уйларини информатика ва ҳисоблаш техникаси қурилмалари билан таъминлаш биринчи даражали вазифа деб топилди.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги томонидан жойларда компьютерли синфларни очиш тадбирлари доирасида бирлашма йўли билан бирмунча ишлар амалга оширишга киришилди. Бирлашма ўз маблағи ҳисобидан болалар уйларида электронли ўйинлар синфларини очиш ва уларни зарур техника воситалари билан жиҳозлашни ҳам ўз зиммасига олди.

Бундай тадбирлар асосан жумҳуриятимизнинг узоқ районларида жойлашган болалар уйларида ҳам амалга ошириладиган бўлинди.

А. АКБАРОВ.

ТИББИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

⊙ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДАГИ олий ўқув юртларида кўпгина фанлар давлат тилида олиб борилмоқда. Тошкент Давлат медицина институти профессор-ўқитувчилар коллективи ҳам бу борада қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Олий ўқув юртида махсус тузилган комиссия эса ўзбек тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш режаларини тузиб чиқди. Унинг ишчи группалари секцияларга бўлиниб, тиббий билимларга доир атамалар устида иш олиб боришга киришдилар.

Бошланган хайрли ҳаракат яхши натижалар бермоқда. Тиббий атамаларнинг изоҳли луғати тайёрланди. Институтда олиб борилаётган назарий ва амалий машғулотлар учун эса йигирмага яқин қўлланма ҳозирлаб қўйилди.

Дарслик ларни таржима қилиш ҳамда янгиларини тузиш йўлида ҳам илмий-методик изланишлар олиб борилмоқда.

С. ОДИЛОВА.

Советлар мамлакатида

⊙ **МУРМАНСК.** Бу ерда атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференция бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари нутқларида ёшлар сайёрамиз тақдиридан ташвишга тушаётганликлари айтилади. Анжуманда Москва, Ленинград, Сибирь, Карелия, Урал ва Узоқ Шарқдан келган экология соҳасида ишловчи ёш мутахассислар, шунингдек, Дания, Канада, Норвегия, Польша, АҚШ ва Швециядан келган меҳмонлар қатнашдилар. Анжуман уч кун давом этади.

⊙ **ТЮМЕНЬ** область марказининг аҳолиси савдо ташкилотлари камёб молларни беркитиб қўяётгани ёки беркитиб қўймаётганини ўз кўзлари билан кўрдилар. Тюмень бош савдо бошқармаси улгуржи базаларининг эшиклари барча хоҳловчилар учун биринчи марта очиб қўйилди. Одамлар аҳолини саноат моллари билан таъминлаш тартиби, бу йил областга ажратилган фондлар ҳақида маълумотга эга бўлдилар.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).



⊙ **ЛЕНИНГРАД.** Ленинград адмиралтейство бирлашмаси автомат телефон станциясининг абонентлари рўйхатига яна бир номер қўшилди. Бу корхонада ишлай бошлаган ишонч телефонининг номеридир. Ишонч телефони шаҳардаги энг кекса кемасозлик корхонасида бир ярим йил муқаддам ташкил этилган социология ва меҳнат психологияси бюросининг ишини жонлантириш учун керак.

Бирлашма ходималарининг таркибига социологларнинг киритилиши тасодифий чора эмас. Улар корхонанинг кадрлар бўлими, меҳнат коллективи кенгаши ва партия ташкилоти билан мустаҳкам алоқада иш кўриб, кадрлар қўнимсизлигини қисқартиришда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда, пировардида ҳар бир кемасознинг меҳнат унумдорлигини оширишда яқиндан ёрдам беришяпти.

СУРАТДА: инженер, ижтимоий ривожланиш бўйича мутахассис М. Г. Григорьева ишонч телефонида навбатчилик қилаяпти.



⊙ **ҚОЗОҒИСТОН ССР.** «Олатоғ» бирлашмасининг Олмаота электротехника заводини ҳарбий техника ўрнига тинч маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қайта жиҳозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Янги йил арафасида савдо тармоқларига бонгли соат билан таъминланган, уч программали «Неватон» приёмникларининг дастлабки туркуми етказиб берилди. Хорижий фирмалар билан тузилган битимлар асосида бу йил замонавий магнитолаларни ва видеокассеталарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ошқозон-ичак фаолиятининг мустақил электр стимуляторларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун республикада биринчи ва ягона микроэлектроника цехи ташкил этилди.

СУРАТДА: корхона эндиликда қурол-яроғ ўрнига мана шундай капсулаларни ишлаб чиқармоқда.

С. Смольский ва А. Павский (ТАСС) суратлари.



К. ТУРДИЕВ: Маҳалламизда никоҳ тўйи авжига чиққан бир пайтда хунук воқеа юз берди. Қайфу сафо қилиб олган ўспирим шу маҳаллада яшовчи бир кимсани ҳақоратлаб, ҳаммаларнинг жиғига тегди. Ҳеч бўлмаганидан кейин уни милиция келиб олиб кетибди. Милиция органлари маҳалламизнинг ўртоқлик судига ишни кўриш учун юборишди. Маҳалла ўртоқлик суди эса нима қилишини билолмай ўтириб ди, чунки улар шу масалада қандай иш тутишни билишмайди. Хўш, ўртоқлик суди безорига қандай жазо бериши мумкин?

ЖАВОБ: Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил 31 март Фармони билан тасдиқланган (кейинчалик қўшимча ва ўзгаришлар киритилган) Ўзбекистон ССР ўртоқлик судлари тўғрисидаги Низомга биноан ўртоқлик судларининг айбдорга нисбатан жазо тайинлаш ҳуқуқи бирмунча кенгайтирилган. Масалан, кўчаларда, стадион, боғ-хиёбонларда ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиб, жамоатчилик шаънига дог туширадиган ёки ишлаб чиқаришда спиртли ичимликлар ичиб юрадиган шахсларга ва қонунда кўрсатилган бошқа тартибларни бузган кишилар учун 50 сўмгача жарима солиниши мумкин. Шунингдек, ўртоқлик судларига айбдорни жабрланувчи ёки кўпчиликдан ошкора кечириш сўрашга мажбур қилиш, ўртоқларча огоҳлантириш, жамоат ишсаси бериш, матбуотда эълон қилиш ёки эълон қилмаслик шарти билан жамоат танбеҳи бериш каби ҳуқуқлар берилган.

Б. ҚОБИЛОВ, К. ТУРСУНОВ: Маҳалламиз катта, шинамгина чойхонамиз бор. Кечқурунлари бир пиёла чой устида гурунглашамиз, йиғилиб ҳордиқ чиқарамиз, Аммо баъзи ёшлар карта ўйнаб, тўпланган пулларни олишда уриш-жанжал қиладилар, маҳалла оқсоқоллари аралашиб бундай хатти-ҳаракатни йўқ қилишга урниб кўришди. Бироқ фойда чиқмаяпти.

Айтингчи, бундай ўйинлар учун қонунда қандай чора белгиланган?

ЖАВОБ: Қимор ўйинлари жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар туркумига киради. Уни ижтимоий хавфлилиги шундаки, бундай ўйинларда қатнашиш текинхўрлик билан кун кўрувчи шахслар учун меҳнатсиз даромадни олиш усули бўлиб, шундай ўйинлар билан шуғулланиш жамоат тартибининг бузилишига олиб келади, айрим ҳолларда эса, бошқа жиноятларни ҳам, жумладан, фирибгарлик, товламачилик, гражданларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш ва бошқа жиноятларни содир этишга сабаб бўлади.

Қонунга кўра қиморхоналарда, ертўлаларда, подъездларда, кўчалар, чойхона ва бошқа жамоат жойларида қимор ўйнаш учун айбдор маъмурий жавобгарликка тортилади, яна шундай хатти-ҳаракат қилса, икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши бериш ё бўлмаса икки юз сўмгача жарима солиш билан жазоланади. (ЎзССР ЖКнинг 219-моддаси).

Ф. ТУРСУНОВА: Мен биринчи турмушимдан бир бола кўрдим. Иккинчи турмушимдан икки бола кўрдим. Иккинчи турмушимдан ажралишимга тўғри келди. Учинчи турмушимдан эса 4 болалик бўлдим. Бу эримнинг уч етим боласини мен боқиб ўстираяпман. Айтингчи, мен 10 боланинг онаси сифатида қаҳрамон она унвонига эга бўлишим мумкинми?

ЖАВОБ: — СССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган Низомга биноан «Қаҳрамон она» унвони билан ўн ва ундан кўп бола туққан ва тарбиялаган оналар тақдирланадилар. I даражали «Оналик шуҳрати» ордени билан 9 бола, II даражали шу орден билан 8 бола, III даражали шу орден билан 7 бола туққан ва тарбиялаган оналар тақдирланадилар. I даражали «Оналик медали» билан 6 бола, II даражали «Оналик медали» билан 5 бола туғиб тарбиялаган оналар тақдирланадилар.

Шунингдек, қонуний равишда болаликка олинган болалар, ҳарбий хизматни ўташда СССРни ҳимоя қилаётиб ёки граждалик бурчини ўтаб, кишилар ҳаётини сақлашда вафот этган ёки бедарак йўқолганлар... ҳам ушбу она туғиб тарбиялаган болалар рўйхатига киритилади.

Бошқа онанинг уч боласини ўзининг 7 боласи билан бирга тарбиялаган аёл (хат автори) болаликка олиш қонуний расмийлаштирилмаганлиги (хат мазмунига кўра) туфайли «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди. Лекин бу она 7 бола туғиб тарбиялаган оналар қатори (болаларнинг фамилиялари ҳар хил бўлишидан қатъий назар) III даражали «Оналик шуҳрати» ордени билан тақдирланади.

Абдужалил ҲАСАНОВ.

Қадимий китобларни варақлаганда

СИНАЛГАН САБОҚЛАР

Утганлар ибратли сўзини ёд эт,
Утганлар ёдидан дилингни шод эт.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

САБРНИНГ ТАГИ — САРА ОЛТИН

⊙ Олам аро одам азиз. Ҳар бир одам ўзини ва ўзгаларни авайлаши, дил яратиши, ширинсуҳан бўлиши, жаҳл келганда ақлни дастур тутиши, ғам-ташвишли пайтларда сабр-қаноатли бўлиши керак.

«Сабр барча ишларнинг калитидир, сабр аччиқ, аммо ширини бор, сабрнинг таги олтин».

«Жомеал тамсил»дан.

«Ақл миянда, таъм билиш тилда, куч қўлда, ғазаб ўтдадир».

«Хулосат-ул Ҳукамо»дан.

УМРНИ ФАЛАК ШАМОЛИ СОВУРМАСИН

⊙ Инсон умри маъноси шодлик-қувончи, бахти-саодати, яхшилик-меҳрибонлиги, одил-адолати, ташвиши-юмушлари билан ўлчанади ва қадр топади. Умрни эъзозлаган — мангулик номига мушарраф бўлади.

«Осойишталикда кечирилган қисқа умр — кўрқув ва ташвиш билан ўтган узоқ умрдан яхши.

Эҳтиёт бўл, умрни фалакнинг шамолига совурма».

«Калила ва Димна»дан.

«Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг ва ризқнинг баракали бўлишига сабаб бўлади».

«Ахлоқи муҳсиний»дан.

НАФСИНИ ТИЙГАН — СУЛТОН

⊙ Яхши ва лазиз емак — аъзои-танга ҳам ғизо, ҳам шифо. Тан сиҳатини, аҳвол-кайфиятини ўйлайдиган киши тановулга ҳар вақт диққат-эътибор билан риоя этади. Овқатни шошмасдан, кўп гаплашмасдан, у ёқ-бу ёққа аланглamасдан емоқ, овқатланиб бўлгач, бир неча дақиқа ҳордиқ олиб ўтирмоқ фазилатдир. Яна энг мақбул хислат, қорин очмасдан овқатланмоққа ўтирмоқ, жуда тўйиб кетмай қўл артмоқ ақл-идрок кишиларининг яхши хулқи ҳисобланади.

«Ўлим ўқига нишон бўлмайин, бирор балога йўлиқмайин десангиз шошмай овқатланинг; луқма тиқилмасин десангиз меъёрида ва зарур бўлган тақдирдагина ютинг».

«Синдбоднома»дан.

«Кишининг жону танига тўрт нарса катта зиён келтиради: кўп емоқ, кўп сўзламоқ, кўп алоқада бўлмоқ ва кўп ичмоқ.

Айтишларича, кам еб, кам ичмоқдан инсон учун фойдалироқ дори йўқдир, Чунки кўп овқат ейишдан ошқозон заифлашади ва барча касаллик шундан келиб чиқади. Тан эса кучсизланаверади, Қоринда бод пайдо бўлади, оғиздан эса ёқимсиз ҳид кела бошлайди. Юз сарғайиб, еган таом ҳазм бўлмайди».

«Хулосат-ул Ҳукамо»дан.

ШИРИН СЎЗ — ЖОНДАН ШИРИН

⊙ Инсоннинг билими, амал-мансаби, обрў-эътибори, мол-дунёси ҳар қанча баланд бўлмасин, муомаласи хунук, сўзи аччиқ, хулқи совуқ, қаҳри қаттиқ бўлса одамий одам ҳисобланмайди. Муомаланнинг гули — одамнинг тили. Ширин сўз — жон озиғи, у руҳга лаззат бериши билан жондан ҳам ширин бўлади. Яхши муомалали кишиларга одамлар: «Жоним сизга қурбон, жоним сизга тасаддиқ» деб бежиз айтмайдилар. Мухтасар айтганда, ширин сўз — асал, ғазаб — дилга азоб.

«Ҳукамоларнинг айтишича, хушхулқликнинг ўнта нишонаси бор экан. Биринчиси — халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик. Иккинчиси — ўз нафсига инсоф бериш. Учинчиси — айб қидирмаслик. Тўртинчиси — бировдан ёмонлик содир бўлса уни яхшига йўйиш. Бешинчиси — агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш. Олтинчиси — муҳтожлар ҳожатини чиқариш. Еттинчиси — эл ғамини ейиш. Саккизинчиси — ўз айбини тан олиш. Тўққизинчиси — эл билан очиқ юзли бўлиш. Ўнинчиси — одамлар билан ширин муомала қилиш».

«Бадоеъул вақоеъ»дан.

Бузургмеҳрдан Нуширвон сўради: **«Мулойимлик қандай бўлади?»**

Жавоб берди: «Мулойимликнинг нишоналари бор. Бири шуки, қовоқ солиб, қаттиқ гапирган одамга очиқ юз ва ширин сўз билан жавоб беради. Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга яхши феъл билан жавоб қайтарилади.

Мулойимликнинг иккинчи нишонаси — ғазаб ўти шуъла уриб, унинг даҳшати ҳаддан ошиб кетса, ўзни тутиб уни ўчиришдир. Шундай қилганда кишининг дили ҳам, руҳи ҳам таскин топади. Учинчиси, гуноҳкорни жазога маҳкум қилаётган ғазаб ўтини сўндириб, сўнг чуқурроқ ўйлаб иш тутишдир. Шуни ҳам билмоқ керакки, баъзи вақтда ғазаб мулойимликдан яхшироқдир. Ўзидаги таъма ва ҳирсни йўқотиш учун қилинган ғазаб фойдалидир. Оқил киши ғазаб ва мулойимлик қаерда ва қайси пайтда муносиб эканини билмоғи ва уларни ўз жойида ишлатмоғи лозим».

«Ахлоқи муҳсиний»дан.

КЕКСАЛАР БАШОРАТИ

⊙ Чинор дарахтига диққат билан разм солиб қаранг. Ўсиб-улғайиш ва камол топишнинг сир-асрорларини у ўзида мужассам этиб турибди. Атрофидаги нав-ниҳоллар унга парвонадек шохча-япроқларини силкишиб, алқашади. Қариялар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, чинор каби умр кўрадилар. Ўғил-қизлар, невара-ю-чеваралар, ёшлар уларга парвона бўлишади. Ҳар бир хонадонда «Қари бор уйнинг — зари бор», деб уларни эъзозлашади. Яна турмушда бирор муаммо чиқиб қолса, «Қари билганни — пари билмас», деб отахон-онахонлар билан маслаҳат қилинади. Фарзандлар қария ота-оналарининг бирини қўёш, бирини ой ҳисоблаб, «Отам — суянган тоғим, онам — ишонган боғим» деб фахру ғурур этишади.

«Эй, одамлар, кексаларга киноя ва таъма қилманг, ҳурмат-ла боқинг. Чунки бу кишилар бутун бўлажак воқеаларнинг яхши-ёмонлигидан воқифдирлар».

«Синдбоднома»дан.

«Ғамингда куймаган дилни ўтга ташлайман. Сен учун ёнмаган жоннинг кулини кўкка совураман».

«Бадоеъул вақоеъ»дан.

ЕШЛИК ҚАДРИНИ БИЛ, ОДАМИЙЛИК ЙЎЛИГА КИР

⊙ Ҳаётнинг гул фасли — ёшликни болаликдан қадрлаганлар ва катталардан ибрат йўлини ўрганиб, унга амал қилганлар завол кўрмай, камол топадилар. Ёшликда билганинг — тошга ёзганинг, қариликда билганинг — музга ёзганинг, яъни ёшликда ҳосил қилган иқтидор ва эътиқодларинг бир умр ёдингда бўлади ва ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларида ҳар қадамда қунингга яраяди.

Доноларнинг мана бу ҳикматона ўгит-насиҳатларини дилга жо-бажо этиб ол.

«Сўрадим: — Ёшларга нима яхши? Айтди: — Ҳаё ва ботирлик. Шарму ҳаё ниқоби билан ёпилган чеҳра қутида сақланган қимматбаҳо гавҳарга ўхшайди. Шарму ҳаёси бўлмаган одамдан яхшилик умид қилинмайди».

«Мажмуан ҳикоят»дан.

«Эй, ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама, одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, жонидан тўйгач, пайт пойлаб сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканини била туриб, айтган гапида жон бордир, деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма. Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма. Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ва ёмонлик бир куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма».

«Ковидони хирад»дан.

Донолар инсон умрини таҳлил этиб, бу дунёнинг сир-асрорлари ўзи каби чексизлигини, ҳар бир одам — бир олам эканини, унинг хислат-фазилатларида уммонларга тенг хосият-хусусиятлар борлигини, буларни абадулабад ўрганиш кераклигини зикр этадилар. Зеро, ҳаёт — ўқиб тугатиб бўлмайдиган китобга ўхшайди. Ҳаёт қадрини билганлар, одамийликни қалбга жо этганлар ўтган доноларнинг ҳикмат дурларидан ибрат олиб, яхшиликни — хушбўй гул, ёмонликни—озорижон тикан эканини доим ёдда тутадилар. Дилда яхшилик бўлса, тилга чиқади, тилга чиқдими, у ижро ҳам этилади.

Яхшиликни эшитганлар, яхшиликка эргашганлар, яхшиликни эгаллаганлар ва яхшиликка эришганлар омон бўлишсин.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Қизиқарли факт тафсилоти

Тўққиз ёшли еттинчи синф ўқувчиси

Еттинчи синф ўқувчиси Шапен Ажгалиев уч тилда — қозоқ, рус ва инглиз тилларида бир хилда яхши гапиради. Шапеннинг ҳаммага танилишига фақат шу нарса сабаб бўлгани йўқ. Шапен ўқийдиган 10-мактабда унинг зўр иқтидори тўғрисида имтиҳонларсиз учинчи синфдан бир йўла еттинчи синфга ўтказилганида гапира бошлашган эди. Ҳозир Шапен тўққиз ёшда. У синфдошларини ўзининг ҳайратланарли хотираси, барча фанларни аъло ўзлаштириши, шахматни яхши ўйнай олиши билан қойил қолдирмоқда.

Ота-онасининг айтишича, икки ёшдалигида Шапен китобларни ҳижжалаб ўқий оларди, тўрт ёшида бир марта ўқиган ёки эшитган нарсасини эслаб қолиш қобилияти юзага чиқди, биринчи ва иккинчи синф китобларидаги арифметик масалаларни қийналмай ечарди. Лекин ўғиллари ўқишда қисқа муддатда катта муваффақиятларни қўлга киритаётганига қарамай, Ажгалиевлар бола ўзини тутиб олиши ва бир оз ўсишига имкон бериб, ҳовлиқишмади. Бола етти ёшга тўлганидан кейингина уни мактабга олиб келишди.

— Дастлабки дарслардаёқ у карра жадвални ёд билиши ва тутилмай ўқиши билан ҳаммани ҳайратга солди, — деб эслайди Шапеннинг биринчи устози, бошланғич синфлар муаллимаси Г. Елистратова. — Педагоглар кенгаши уни алоҳида оталиққа олди, мен эса у билан якка тартибдаги план бўйича шуғуллана бошладим.

К. НАВРЎЗБОЕВ,
ТАСС мухбири.
Уральск.



Жасоратнома

АЧЧИҚ ҚИСМАТ, ЧИН ҲАҚИҚАТ

ТАРИХ фанидан имтиҳон бормоқда. Талабаларнинг нигоҳи ҳаяжонли. Билим ва фикр синови кетмоқда. Мана, қаршимга навбатдаги талаба ўтириб, қоралаган қоғозини узатди.

— Саволларингизга жавобнинг бари шунда, — деди у бошини қуйи солиб, — оғзаки гапиришга ҳолим йўқ.

Мен байналмилалчи-жангчи ҳолатини тушундим. Кейин ёзганларини диққат билан ўқий бошладим.

«Қўшни афғон юртидаги уруш халқимиз бошига ҳам катта кулфат келтирди, — деб ёзибди С. Умаров. — не-не йигитлар ўзга юртда ҳалок бўлдилар».

1986 йил, ноябрь ойидан Афғонистоннинг Шиндон шаҳрида ҳарбий хизматни давом эттирган С. Умаров жанговар ҳаракатлар пайтида кўрган кечирганлари ҳақида чуқур мулоҳаза юритган.

«Дастлаб бир-бирига бегонадек юрган йигитлар, биринчи «операциядан» кейин акаукадек қадрдон бўлиб кетишгани мени ҳайратга солди. Сабаб? Фикримча, ўз юртида эркин яшаган ёшлар уруш гирдобидан буткул бошқа одамга айланишади. Урушнинг даҳшати шунда эдики, ҳозиргина сен билан бирга кулишиб, дардлашиб, сирлашиб турган дўстинг орадан кўп ўтмай, бир неча дақиқада оламдан кўз юмиши ҳеч гап эмас. Биз бир-биримизга ғанимат эканлигимизни билардик. Салгина қилинган хато, довдираш, қўрқув фожиали тугаши мумкин. Бу кечинмалар кечагина ота-онаси ёнида бахтиёр, ғам-ғуссасиз юрган 18-19 ёшли йигитларда бўлиши табиий ҳол эди, албатта.

Бир ярим йил мобайнида қанчадан-қанча қуролдош дўстларимдан айрилдим. Улар келажакда яхши деҳқон, ишчи, ўқитувчи ёки истеъдодли ижодкор ва балки катта олим бўлишлари мумкин эди. Мен шу ўринда қадрдонларимдан бири Иброҳим Қулматовни эслаб ўтмоқчиман. У асли Туркманистоннинг Мари шаҳридан эди.

Қувноқ, ҳазилкаш бу йигит гитара чалар, қўшиқлар айтар, шеърлар ҳам ёзарди. Ҳатто куйни ўзи басталагани ёдимда. Табиат унга кўп нарсани инъом қилганди.

Иброҳим чиндан ҳам бахтиёр йигит эди. Севгилиси Гулжаҳоннинг суратини кўрганман. Жуда соҳибжамол қиз. Ҳар гал ундан хат келганда қуролдошим кўтаринки кайфиятда ашула айтар, кейин шеър, қўшиқ тўқишга тушиб кетарди.

1987 йил, август ойида Иброҳим олдимга келиб, менга бир даста очилган конвертларни узатди. Анчагина суратларни ҳам.

— Эртага операцияга чиқамиз. Гулжаҳоннинг мактублари сенда турсин.

Дўстим мени яқин тутгани учун шундай қилган бўлса керак. Ё бўлмаса, ўраги фалокатни сездими? Билмадим.

Эртаси куни ротамиз Қандаҳор операциясига жўнади. Икки томон тоғлик. Колоннамиз олдинда ўн киши жойлашиб олган «БТР» кетмоқда. Ногаҳон кучли портлаш бўлиб, дунё кўз олдимда остин-устун бўлиб кетди.

Ҳушимга келганимда ўзимни санбатда кўрдим.

Контузия бўлган эканман. Уч кундан сўнг қисмга қайтдим. Ана шунда мен ҳалок бўлган қуролдошларим сафида дўстим Иброҳим ҳам борлигини эшитиб, қаттиқ ларзага тушдим. Бу қандай бедодлик? Энди гитарада ким куйлайди? Ким Гулжаҳонга жавоб ёзади? Дўстим қолдирган мактубларга, расмларга қайта-қайта тикиламан. Наҳотки Иброҳимдан қолгани шу бўлса? Унинг дунёдан умиди катта эди. Ахир севган ёри, дийдорига муштоқ ота-онаси кутаётган эди. Иброҳим оилада ёлғиз ўғил эди...

Бу бир йигит фожиаси эмас.

Афғон тупроғидан қўшинларимизнинг олиб кетилиши тўғри иш бўлди. Чунки бу уруш биз учун бегуноҳ қурбонлар бериш эди. Мен хоҳлардимки, бундай хато бошқа қайтарилмасин. Оналаримиз, опа-сингил ва қизларимиз бошқа кўз ёшлари тўкмасинлар».

Хаёлга чўмиб ўтирган собиқ бўлинма командири, сержант С. Умаровнинг ёзганларидан фикрга толдим. Афғон уруши энди йигирмага қадам қўйган йигитни аллақачон улғайтирибди! Балки афғон тупроғида юртдошларимиз тўккан қон, чеккан азоблар беҳуда эмасдир? Наҳотки қанчадан-қанча жудоликлар беиз қолиб кетаверса.

...Имтиҳон давом этарди. Талабалар тарих саҳифалари ҳақида гапиришар эди. Бу саҳифалар аччиқ, лекин чин ҳақиқат. Одамлар фикрлашга ўрганишаяпти. Ҳақиқат юзига тик қарашга, дилларидагини очиқ айтишга киришдилар. Бу ҳам яхши сабоқ. Келажакка ишонч берувчи сабоқ!..

Ҳ. СОДИҚОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерларини институти ўқитувчиси.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИНИНГ
ТУРИСТИК БАЗАЛАРИ

ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Барча гражданларга путёвкаларни сотиш ва уларнинг дам олишини ташкил этиш ёз ойларидан истисно тариқасида бутун йил мобайнида амалга оширилади.

Қоидага кўра бир жойнинг ўзида дам олиш муддати — 20 кун, ҳордиқ вақтида бошқа шаҳарларга экскурсияга чиқилади.

Туристик базалар замонавий ётоқ корпуслари, ошхоналар, клублар, спорт иншоотлари, сузиш ҳавзаларига эга.

Путёвкаларнинг ўртача баҳоси 90 сўмдан 130 сўмгача.

2-3 кишилик хоналарга жойлашиш, 3 маҳал овқатланиш, экскурсия хизмати кўрсатиш ҳаражатлари путёвка қийматига киради.

Туристик комплекслар Москва, Ленинград, Рига, Калининград, Одесса, Минск, Львов, Ялта, Тбилиси, Батуми шаҳарлари яқинида, уларнинг бир қисми эса, бевосита Пятигорск, Сочи, Севастополь, Мукачево шаҳарларининг ўзида жойлашган. Тоғларда чанғи учиб ҳордиқ чиқариш ишқибозлари учун Теберда, Терскол, Красная Поляна, Бакуриани, Карпатда туристик базалар мавжуд.

Путёвкалар ҳар куни, шанба ва якшанбадан ташқари, соат 9 дан 18.00 гача қуйидаги адресда сотилади: Тошкент шаҳри, Лафарг кўчаси, 2-уй, «Туркистон» туристик базаси — ТуркВО штаби яқинида жойлашган («М. Горький» метро станцияси: 71, 83-автобуслар; 9, 17, 18-троллейбуслар; 6, 13, 22-трамвайларнинг «Рассомлар кўчаси» бекати).

Телефонлар: 62-77-04, 69-36-42.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

АВТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ

«ВАЗ» ВА «ГАЗ» МАРКАЛАРИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИНИ ҚУЙИДАГИ

ЯНГИЛИККА —

ИРС-2,3 ҚУРИЛМАСИГА ЖАЛБ ЭТАДИ

Бу қурилма (инженер Гусев буғланиш рециркуляция системасининг такомиллашган конструкцияси) двигателнинг исталган хилдаги бензин билан ишлаши, ёнилғини тежаш, ёнишдан ҳосил бўладиган газнинг заҳарли жиҳатларини камайтириш ва цилиндр-поршень группасининг хизмат муддатини узайтириш ҳамда унинг ишини яхшилаш учун мўлжалланган. Булардан ташқари, ИРС-3 двигатели икки хил вариантда ишлаши учун 2 та ҳаракатдаги кран билан жиҳозланган.

Магазин макони: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон: 33-89-12.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СТРОЙДОРМАШСЕРВИС»нинг
ЎЗБЕКИСТОН РЕГИОНАЛ МАРКАЗИГА:

бош бухгалтер, йўл қуриш машиналари бўйича инженер-механик, кадрлар бўлими инспектори, моддий бўлим бухгалтери, минора ва ҳавоза кранининг машинисти, стропальщиклар, юк ташувчилар, омбор ишчилари, йўл қуриш машиналари бўйича ремонтчи-слесарлар, пайвандчи, электрик.

МЕҲНАТГА ВАҚТБАЙ-МУКОФОТ ТАРИҚАСИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 270-уй.

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ

СИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

БИЗНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИМИЗ ЯНА ҚАЙТАДАН ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ. Улардан исталганига Сизлар ўз буюмларингизни кимёвий тозалаш, аппретирлаш, антистатик ва бактерицид ишлов бериш учун топширишингиз мумкин.

ЧУНОНЧИ, 6-ФИЛИАЛДА ГИЛАМЛАР ВА ГИЛАМ БУЮМЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳурматли буюртмачилар, Сизларни қабул пунктларимизда кутамиз!

Самарқанд область, Нарпай районидаги 1-ўрта мактаб томонидан **Садинов Нурали Авазович** номига берилган 860264 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, А. Икромов район, 4-ўрта мактаб томонидан **Бўриева Муаззам Носировна** номига берилган А — 773549 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ёшларни университетга ва республикамизнинг бошқа олий ўқув юртларига ўқишга киришга тайёрлаш бўйича

3 ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар: ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тарих, математика, араб тили фанларидан ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Тайёрлов курсларида дарсларни қабул комиссиясида катта иш тажрибасига эга бўлган университетнинг етакчи ўқитувчилари ўтишади.

Машғулотлар **1 мартдан** бошлаб кундуз кунлари жадвал бўйича ҳар шанба ва якшанбада ўтказилади.

Абонементларни В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг Маданият саройидан, 26-хонадан ҳар куни соат 11 дан бошлаб 18.00 гача сотиб олиш мумкин (28, 34, 87-автобуслар; 4, 8-троллейбуслар; 9, 12-маршрутли таксиларнинг «ТОШДУ» бекати).

Маълумотлар учун телефон — 46-39-55.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун

қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил. Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массиви» бекатлари).

«УЗБЕКЭЛЕКТРОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
47-ҲУНАР- ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

пайвандчи ихтисоси бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия тўланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700012, Тошкент шаҳри, Сергели — 2, 64-а уй (40, 58, 75, 98, 99, 104-автобуслар, 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати).

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ун ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, ёрма ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, озуқа ем ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчиси, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, тунукасоз, қандолатчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 11-синф маълумоти билан — 1 йил. 9-синф маълумоти билан 2 йил.

Билим юртига 9-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига 11-синф маълумоти билан қабул қилинганларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти оладилар.

Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлаб турибди. Спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва турли тўгараклар мавжуд. Четдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳол.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, 2-Сельмаш проезди, 15-уй, (10, 16, 21, 28, 30, 48, 71, 72, 80, 111-автобусларнинг «Ташсельмаш» заводи» бекати, 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» метро станцияси» бекати).



КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

ОЛТИ ОЙДА — КАСБ ЭГАЛЛАЙМИЗ!

16 ёшдан 30 ёшгача бўлган, 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган қизлар «Беларусь» мактаб-машинида 6 ой ўқиб, озиқ-овқат маҳсулотлари кичик сотувчиси бўлиб етишишлари мумкин.

Мактаб-магазинда ўқиш билан бир вақтда ишчи-ёшлар мактабида ёки Тошкент совет савдоси техникумида ҳам ўқиш мумкин. Ўқиш даврида ойига 52 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Мактаб-магазин битирувчилари иш билан таъминланади.

Ҳужжатлар февраль ойи охиригача Куйбишев район озиқ-овқат савдоси идорасининг кадрлар бўлимида қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 6-уй.

Мактаб-магазин макони: Луначарский шоссеси, 50-уй. «Беларусь» магазини, (17, 24, 101-автобуслар; 17-1-троллейбусларнинг «Партия мактаби бекати» ёки метронинг «М. Горький» бекати).

Куйбишев район озиқ-овқат савдоси идораси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИГА:

электр слесарлар, 4, 5, 6 разрядли электр монтёрлар, вулканизаторчи, ёнилғи аппаратураларининг слесарлари, газ-электр пайвандчилар, ГСМ ёнилғи тўлдириш станциясининг оператори, ГСМ катта товаршуноси, таъминот бўлимининг бошлиғи, даволаш пунктининг мудири, минора крани, экскаватор ва бульдозер машинистлари, «Е» категориядаги ҳайдовчилар.

Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади ва пропискадан ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 48-уй — Киров район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
7, 8 МАРТ СОАТ 19.30 да

Хоразм тароналари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон комсомолининг мукофоти совриндори КАРИМБОЙ РАҲМОНОВ

Лирик хонандалар ҚУЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, САЙЁРА НАЗИРОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ГАВҲАР МАТЕҚУБОВА, ОДИЛ ҚАМОЛХЎЖАЕВ.

«Қизиқчи-89» аския кўригининг совриндори ТОЛИБ ва ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВЛАР, РУСТАМ МАМАДМУРОДОВ

Раққоса ЗУЛФИЯ УЗОҚОВА.

Программани Тошкент телевидениесининг диктори РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ **олиб боради.**

Билетлар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
МАРТ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 мартда — МУШКУЛ САВДО (19.00).
2 мартда — «КОНЦЕРТ (19.00).
3 мартда — АКА-УКА СОВЧИЛАР (19.00).
4 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (12.00), КАМПИР КЕТАРМИШ (19.00).
5 мартда — ШАЙТОН ВА МУРИДЛАР (19.00).
7 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (19.00).
8 мартда — ХОТИНИМНИНГ ЭРИ (19.00).
9 мартда — МУҲАББАТ НАВОСИ (19.00).
10 мартда — КОНЦЕРТ (19.00).
11 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (12.00).
14 мартда — НУРХОН (19.00).
15 мартда — КАМПИР КЕТАРМИШ (19.00).
16 мартда — МУШКУЛ САВДО (19.00).
17 мартда — АКА-УКА СОВЧИЛАР (19.00).
18 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (12.00), ХОТИНИМНИНГ ЭРИ (19.00).
19 мартда — МАНСАБ ШАЙДОСИ (19.00).
21 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (19.00).
22 мартда — АНҚОВЛАР ЧАИҚОВИ (19.00).
23 мартда — КОНЦЕРТ (19.00).
24 мартда — МУҲАББАТ НАВОСИ (19.00).
25 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (12.00), АРШИН МОЛ ОЛОН (19.00).
26 мартда — ГУЛ ВА НАВРЎЗ (12.00), ШАЙТОН ВА МУРИДЛАР (19.00),
28 мартда — МУШКУЛ САВДО (19.00).
29 мартда — АНҚОВЛАР ЧАИҚОВИ (19.00).
30 мартда — АКА-УКА СОВЧИЛАР (19.00).
31 мартда — АНҚОВЛАР ЧАИҚОВИ (19.00).

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир ОТАБОЕВ.

Театрнинг бош дирижёри — Ўзбекистон халқ артисти Наби ХАЛИЛОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да **Майсаранинг иши**, 28/II да **Дон Кихот.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Пуч**, (19.30), 28/II да **Ўғрини қароқчи урди** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/II да **Нурхон** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 27/II да **Фармонбиби ароалади**, (19.00), 28/II да **Паранжи сирлари** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки устачиларининг гастроллари** (27, 28/II да 19.00 да).

КИНО

27 ФЕВРАЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (катта зал, 17.30), «ХОН ГИЛЬ ДОН» (18.20).
Чайка — «СУЛТОН БЕЙБАРС» (18.15, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (жуфт соатларда).

Восток — «ДЕЖА ВЮ» (тоқ соатларда).

Нунус — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.45).

Москва — «ДЕЖА ВЮ» (17, 19, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 21.00).

28, 29 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Санъат саройи — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (катта зал, 11, 14, 17.30), «ХОН ГИЛЬ ДОН» (12, 14, 16, 18, 20).

Чайка — «ХОН ГИЛЬ ДОН» (10.30, 12, 16.30), «СУЛТОН БЕЙБАРС» (13.45, 18.15, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (жуфт соатларда).

Восток — «ДЕЖА ВЮ» (тоқ соатларда).

Нунус — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «ДЕЖА ВЮ» (17, 19, 21.00), «ШИША ЛАБИРИНТ» (11, 13, 15.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 01132.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.